

ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ РИВОЖИГА ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Муяссархон АЧИЛДИЕВА

Катта ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

muyassar1903@gmail.com

Orcid: 0000-0002-0363-045X

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек мусиқа санъатининг жаҳон маданий жараёнлари таъсиридаги ривожланиши таҳлил қилинган. Мақолада глобал маданий интеграция, инновацион мусиқа йўналишлари, замонавий ахборот технологияларининг мусиқа таълими ва ижодиётига таъсири, шунингдек, миллий мусиқа анъаналарининг халқаро майдонда намоён бўлиши каби масалалар ёритилган. Шу билан бирга, ўзбек мусиқа санъатида анъанавий ва замонавий усулларнинг уйғунлашуви, ёш авлоднинг мусиқий дунёқарашини шакллантиришда халқаро тажрибаларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: ўзбек мусиқаси, халқаро маданий жараёнлар, мусиқа интеграцияси, инновацион йўналишлар, миллий анъаналар, глобал таъсир, мусиқа таълими, маданий алоқа.

ВЛИЯНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ КУЛЬТУРНЫХ ПРОЦЕССОВ НА РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ИСКУССТВА

Муяссархон АЧИЛДИЕВА

Старший преподаватель

Ферганского государственного

университета Фергана, Узбекистан

muyassar1903@gmail.com

Orcid: 0000-0002-0363-045X

Аннотация

В данной статье проанализированы процессы развития узбекского музыкального искусства под воздействием мировых культурных тенденций. Рассмотрены вопросы глобальной культурной интеграции, инновационных музыкальных направлений, влияния современных информационных технологий на музыкальное образование и творчество, а также проявление национальных музыкальных традиций на международной арене. Особое внимание уделено гармоничному сочетанию традиционных и современных методов в узбекской музыке, а также значению международного опыта в формировании музыкального мировоззрения молодого поколения.

Ключевые слова: узбекская музыка, международные культурные процессы, музыкальная интеграция, инновационные направления,

национальные традиции, глобальное влияние, музыкальное образование, культурные связи.

Ўзбек халқи мусиқаси кенг кўламли маънавият кўзгусидир. Асрлар оша авлоддан-авлодга устоз-шогирдлик анъаналари йўли билан ривожланиб келганлиги боис, ўзбек халқи мусиқий мероси қатламлари – меҳнат ва маросим куй-қўшиқларидан тортиб мураккаб достон, ашула, катта ашула, мақом йўллари орқали даврма-давр сараланиб келган. Шу туфайли, ҳозирги давргача етиб келган деярли барча мусиқий асарлар шаклан ва мазмунан катта-кичиклигига қарамай, бадий мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Халқимизнинг мусиқа мероси ўта қадимий бўлиши билан бир пайтда, унда кўпгина Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг ҳам ижобий таъсири бўлган. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида совет мафкурачилари “...ўзбекнинг ўз мусиқаси йўқ, у араб ҳамда эрон таъсирида пайдо бўлган. Ундан воз кечиш ва Европа мусиқаси асосида янги ўзбек мусиқасини яратиш зарур”, – деган даъвони ўртага ташлади [1; 146]. Фитрат, Ҳамза, Ғулом Зафарий каби қатор ўзбек миллий зиёлилари бу фикрларга кескин қарши чикдилар. Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида ўзбек халқ мусиқасининг қадим илдизларини бахшилар ва ўзанлар томонидан яратилган достонлар, лапар, яллаларга боғлаган эди.

Бироқ, четдан кириб келган мусиқий труппаларнинг таъсири сезиларли даражада бўлди. Булардан, опера, балет, мюзикл ва шу каби замонавий жанрлар ўзбек миллий мусиқа маданиятида ўз ўрнини топди. Ўзбекистонда опера жанри XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкентга бир нечта грузин, италян, татар, рус ва озарбайжон опера труппаларининг гастролга келиши натижасида юзага келган бўлса, 1933-йилда композитор Н.Рославетс мусиқаси асосида “Пахта” балетининг ёзилиши ҳам тарихий жараёнлардан бирига айланди. Мусиқали драма ўз

ўрнини операга бериши эса алоҳида мавзу бўлиб, ўзбек миллий ария ва опера санъатини дунёга танитишда муҳим омиллардан бирига айланди.

Ашот Иванович Петросянс ташаббуси билан 1935-йилда ўзбек (шунингдек, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқалар) анъанавий чолғулар реконструкцияси устида иш олиб борилиши ҳам ўзбек мусиқа санъати ривожига маданий жараёнлар таъсирини кучайтирди. Хусусан, ушбу ўзгаришнинг ижобий томонлари бўлгани сингари ўзбек миллий мусиқа санъатида айрим йўқотишларга ҳам юз тутди. Шу жумладан, нодир миллий мусикамиз, ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мерослари рўйхатига кирган Шашмақомнинг ним пардаларининг йўқолиши бевосита миллий оҳангларимизнинг бир вақтнинг ўзида таъсирчанлик хусусиятини камайтириб, йўқолиб боришига сабаб бўлди.

Миллий музикий меросимизнинг дунёга чиқиши мақом, ёр-ёр, лапар, чолғу ижрочилиги санъати халқаро эътирофга сазавор бўлмоқда. Шу билан бирга глобал маданий жараёнлар бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда. Оммавий маданиятнинг босими туфайли айрим миллий жанрлар сояда қолмоқда, плагиат ва маданий нусхалаш ҳолатлари кўпаймоқда.

Халқаро маданий жараёнлар аввало музикий ижодиёт, ижрочилик ва таълим тизимига янги ёндашувларни олиб кирмоқда. Глобал ахборот технологиялари орқали ўзбек мусикаси жаҳон аудиториясига тез сингишиб, ўз навбатида жаҳоннинг турли музикий услублари маҳаллий ижодкорларга таъсир қилмоқда. Бир сўз билан айтганда ҳилма-хил жанрлар: поп, жазз, этно-фюжн, рок, хип-хоп каби йўналишлар кенгайди, ижро стандартлари янгиланди, халқаро стандарт меъёрлари, жонли ижро талаблари кучаймоқда.

Ўзбекистон композиторларининг Шарқ оҳангларига мурожаати ўтган асрнинг 70-80 йилларидан кенг тус олди. Композитор У.Мусаевнинг “Ҳинд достони” балети, И.Акбаровнинг Р.Тагор асарлари асосидаги “Почта”

симфоник сютаси дунёга келган эди. Мустақиллик йилларида ўзбек композиторлари ижоди янги босқичга кўтарилди. Турли имкониятларнинг очилиши, хорижий сафарлар, халқаро фестивалларнинг ташкил этилиши, бу борада кулай муҳитни юзага келтирди.

Ўзбекистон композиторлари Р.Абдуллаев, Ҳ.Раҳимов, М.Бафоев, Ф.Алимов, Н.Норхўжаев кабилар Шарқ оҳангларига асосланган ҳолда қатор асарлар яратдилар. 1991-1993 йилларда Р.Абдуллаевнинг таиланд куйлари асосида яратилган “Тай наволари” номли 3-концерти, Ҳ.Раҳимовнинг 2001-йилда қадимий корейс халқ мусиқа садоларига асосланувчи “Ариранг” номли фантазияси дунёга келди. М.Бафоевнинг “Орфейнинг тушлари”, “Ўрта ер денгиз тўлқинлари”, “Ипак йўли менинг тахайюлимда” номли асарлари асосини эрон, турк, араб оҳанглари ташкил этади.

Ўзбекистоннинг UNESCO, TURKSOY, ICESCO каби халқаро ташкилотлар билан маданий алоқалари кенгайиб, кўплаб мусиқий фестиваллар ташкил этилмоқда. Булар жумласига: “Шарқ тароналари” (Самарқанд), “Шашмақом” халқаро фестивали (Бухоро), Ўзбекистон-Корея маданий алмашинуви дастурлари, халқаро симфоник оркестр лойиҳалари киради. Бундай ҳамкорликлар натижасида: ўзбек мақом, бахшичилик, фольклор жанрлари халқаро миқёсида кенг тарғиб қилинмоқда, маҳаллий ёш истеъдодлар хорижий устозлардан таълим олиш имконига эга бўлмоқда.

Жаҳоннинг энг кўзга кўринган санъаткорларидан Е.Образцова ўзбек талабаларининг тарбиясига, илмига, иқтидори ва овозига тан берган эди. Ўзбек талабалари санъаткорнинг қўйган вазифаларини айтган пайтида, жараённинг ўзида бажариб бердилар. Эндиги вазифа бу ишларга ёшлар кенгроқ жалб этилса, кутилган натижа, албатта, янада самаралироқ бўлади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар тарихи узок минг йилликлар билан белгиланади. Шу ўринда, айрим мутахассисларнинг

муносабатларини келтириб ўтиш мумкин. Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси доценти, педагог-олим, моҳир санъаткор З.Насруллаев ўз суҳбатида: «Қадимдан бизнинг кўплаб ватандошларимиз турли сабаблар билан Ҳиндистонга бориб қолишган ва улар икки халқнинг абадий дўстлигига асос солганлар. Жумладан, «Амир Ҳусрав Деҳлавий асарларида мусиқага оид маълумотлар» номли китобимни шу масалалар таҳлилига бағишлаганман», – дейди. «Улуғ мутафаккир, ҳамсанавис Амир Ҳусрав Деҳлавий нафақат форсий, ҳиндий тилларида кўплаб шеърлар ёзган шоир, балки буюк бастакор ҳам ҳисобланади. У «Ўн икки мақом» тизимини мукаммал билгани ҳолда қадимий ҳинд мусиқа маданиятини ҳам чуқур ўзлаштирган. Уларни уйғунлаштириб, ҳинд халқ кўшиқлари асосида кўплаб асарлар яратган ва қоввали (ғазал), тарана жанрларига асос солган эди.

Ўзбек мусиқа маданияти намояндаларининг халқаро маданий жараёнлардаги иштирокида БМТнинг ихтисослашган ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорлик ниҳоятда самарали бўлди. Бу борада ўтказилган турли илмий-маданий тадбирларда мамлакатимизнинг кўплаб ижодий зиёлилари ўз санъатлари билан Европа маданий жараёнларига кириб борди. XIX асрда глобаллашув жараёнларининг кучайиши Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида, хусусан, мусиқа санъатида янги босқични бошлаб берди. Халқаро фестивал ва танловлар, чет давлатлар билан ижодий ҳамкорликлар, рақамли платформаларнинг ривожини ўзбек мусиқасининг сифат ва мазмун жиҳатдан янгиланишига сабаб бўлмоқда. Мазкур жараёнлар миллий санъатнинг жаҳон маданий маконига интеграциялашуви учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

2009-йил 7-11-апрель кунлари ЮНЕСКОнинг Париждаги Бош қароргоҳида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилей тадбирлари ташкил этилди. Европа мусиқасининг отаси Ф.Лист таваллудининг 200 йиллиги

бутун дунёда нишонланди. ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 2011-йил “Ф.Лист йили” деб эълон қилинди. Бу санани мамлакатимизда ҳам муносиб нишонлаш мақсадида, Ўзбекистон консерваториясида 2011-йил 5-ноябрдан 1-декабргача Ф.Листнинг асарлари янгради. Юртимиздаги Европа мусиқаси ихлосмандлари ва меҳмонлар олдида талаба ёшлар ўз иқтидорларини намоёиш этдилар [2; 37-386].

Шунингдек, сетор ва табла каби ҳинд созларининг яратилишида ҳам Ҳусрав Дехлавийга нисбат берилади. Ж.Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида «Амир Ҳусрав бошлаган кўшиқлар ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистон бўйлаб янграб турибди», деганди.

Ҳиндистонда маданий ҳаётни янада жонлантирган яна бир ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У ўзи билан кўплаб илм аҳли ва санъаткорларни олиб борганлиги манбаларда қайд этилади. Ноғора, най, танбур каби кўплаб созларнинг Бобурийлар даврида Ҳиндистонга бориб қолганлигини ҳинд олимларининг ўзлари ҳам тан оладилар. Бобурийлар даврида урду тили илмий-адабий тилга айланди. Айниқса, Буюк Акбар даврида мусиқий ҳаёт тараққий этди. У ҳинд миллий санъаткори Тансенни ўз саройига чақириб, ҳар чоршанба куни «назм ва наво» кечаларини ўтказган. Шу боис бўлса керак, бу ришталар бугунги кунда ҳам халқларимизнинг орзу-армонлари, эзгу ниятларининг муштараклиги ифодаси сифатида мусиқа санъатимизда яшаб келмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мусиқа санъатининг ривожи, унинг янгиланиб боришида жаҳон мусиқасининг таъсири тараққиёт асрида янада кенгроқ намоён бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абидов З. Халқ дипломатияси халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш омили // О‘zbekiston, 2012. – № 1-2. – Б. 14.
2. Ғафурова С. Олтин мусиқа ёмғири // Санъат, 2012. – № 1. – Б. 37-38.

3. Халқаро танлов ғолиблари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2003 йил 9 май. № 19.

4. Достонбекнинг Франциядаги ютуғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012 йил 2 март. – № 9. – Б. 1.

5. Абдурахмонова Х. Маликанинг муваффақияти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2011 йил 30 декабрь. – № 52

6. Ёш ижрочилар ютуғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012 йил 23 март. – № 12. – Б. 6.